

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари (бешинчи мақола)



09:45 / 01.12.2023 1151

Қурайш эса **«Муҳаммад ва унинг саҳобалари уруш ҳаром қилинган ойнанинг ҳурматини оёқости қилдилар, у ойда қон тўқдилар, мол-дунёни тортиб олдилар, одамларни асир қилдилар»**, деб гап тарқатдилар.

Пайтни пойлаб турган яҳудийлар дарҳол турли-туман ифво-бўхтонлар тўқиб чиқара бошладилар.

Ноқулай ҳолат вужудга келди. Қадимдан ҳеч ким бу ойларида уруш қилмас, бирорта кишини асир қилмас, ўлжа ҳам олмас эди. Бу қоида Исламда ҳам амалда эди. Бирдан ҳалиги иш бўлди. Ҳамма ҳайрон.

Шунда Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани тушириб, Ўзининг ҳақ ҳукмини чиқарди. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб, деди:

«Сендан ҳаром ойда уруш қилиш ҳақида сўрарлар. «Унда уруш қилиш катта гуноҳ. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш, Масжидул Ҳаромдан тўсиш, унинг аҳлини ундан чиқариш Аллоҳнинг ҳузурида ундан-да катта гуноҳдир. Фитна қатлдан каттароқдир», - деб айт. (Улар) агар қодир бўлсалар, сизларни динингиздан

қайтаргунларича сизга қарши уруш қилаверадилар. Сиздан кимки диндан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетса, ана ўшалар дунёю охиратда амали ҳабата бўлганлардир. Ана ўшалар дўзах соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар».

Бу ояти карима ҳаром ойда уруш қилишнинг ҳаром эканлигини таъкидламоқда. Тўғри, бу ойда уруш қилиш катта гуноҳ, лекин:

«Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш, Масжидул Ҳаромдан тўсиш, унинг аҳлини ундан чиқариш Аллоҳнинг ҳузурида ундан-да катта гуноҳдир. Фитна қатлдан каттароқдир».

Ўйлаб қаралса, зикр этилган бу бузғунчилик ишлар айна Қурайшнинг ишларидир. Уларнинг мусулмонларга қарши қилган бу ишлари одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳдир.

Қурайшнинг ўзи қонун-қоидага мутлақо риоя этмас эди, муқаддас тушунчаларни бемалол оёқости қиларди. Аллоҳ таоло Ислом динини юборганида ҳам улар одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар ва Аллоҳга куфр келтирдилар. Энг катта гуноҳ аслида шу эмасми? Энди бўлса мусулмонларни ҳаром ойни беҳурмат қилишда айблашмоқда.

Ҳеч қандай муқаддасликнинг ҳурматини қилмайдиган Қурайш Масжидул Ҳаром аҳли бўлган мусулмонларни ўлдириб, қийноқ-азобга олиб, охири ҳаммаларини ҳайдаб чиқардилар. Мусулмонлар ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар.

Энди бировни уруш ҳаром қилинган ойни ҳурмат қилмасликда айблайдиган бўлиб қолишибдими?! Ўзларининг ишлари одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳ-ку!

Кофирларнинг иши кишиларни иймондан, Аллоҳнинг йўлидан қайтариш ва куфрга юргизишдир. Бу фитна деб аталади.

«Фитна қатлдан каттароқдир».

Сўнгра ояти карима кофирларнинг Ислом умматига бўлган доимий адоватини баён қилиб, айтади:

«(Улар) агар қодир бўлсалар, сизларни динингиздан қайтаргунларича сизга қарши уруш қилаверадилар».

Яъни кофирлар мусулмонларга қарши ҳар бир фурсатдан фойдаланишга уринадилар. Мақсадлари – нима қилиб бўлса ҳам, мусулмонларни Исломдан қайтариш. Кофир ким бўлишидан, қаерда яшашидан ва қачон бўлишидан қатъи назар, ушбу ишини қилаверади. Уларнинг мусулмонларга қарши олиб борадиган урушлари ҳар хил, турли-туман, лекин мақсадлари битта – мусулмонларни диндан қайтариш.

Лекин мусулмонлар сабр қилишлари, чидашлари, таслим бўлиш ҳақида ўйламасликлари керак. Аллоҳ кўрсатмасин, мабодо диндан қайтиб қолсалар, икки дунёнинг ҳасратига учрайдилар.

Ушбу ояти карима тушгандан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалату васаллам ривоятда зикр қилинган икки асирни ва ўлжани қабул қилдилар.

Ҳамманинг кўнгли жойига тушди. Мусулмонлар, айниқса, Абдуллоҳ ибн Жаҳш розияллоҳу анҳу ва у кишининг жангчи гуруҳи аъзолари хурсанд бўлдилар. Чунки улар ҳодиса бўлиб ўтгандан кейин **«Гуноҳ иш қилиб қўйибмиз»**, деб, хижолатда эдилар. Ушбу ояти карима тушгач, уларнинг қалбида умид учқунлари порлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.